

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
JAHON ADABIYOTI VA QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK KAFEDRASI

**"SHARQ MUMTOZ POETIKASI
MUAMMOLARI:
NAVOIY VA RUMIY"**

*mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy
konferensiya materiallari
2025-yil, 22-aprel*

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
ALISHER NAVAI TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
DEPARTMENT OF WORLD LITERATURE AND
COMPARATIVE LITERATURE

*Proceedings of the international
scientific-theoretical conference titled*

**"ISSUES IN ORIENTAL CLASSICAL
POETICS: NAVO'I AND RUMI"**

April 22, 2025

Toshkent
"Nurafshon business"
2025

UO'K 845.711.05

KBK 133.585.3

"Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. – Toshkent: Nurafshon business, 2025. – 1016 b.

ISBN 978-9910-8871-6-1

Mas'ul muharrir:
Shuhrat Sirojiddinov,
filologiya fanlari doktori, akademik

Tahrir hay'ati:

Shuhrat Sirojiddinov (O'zbekiston), Münevver Tekcan (Turkiya), Uzoq Jo'raqulov (O'zbekiston), Agnieska Vojta (Germaniya), Nozliya Normurodova (O'zbekiston), Rukhsana Iftikhar (Pokiston), Almaz Ulviy (Ozarbayjon), Suvon Meli (O'zbekiston), Sergey Nikonorov (Rossiya), Akibatxon Ismanova (Qirg'iziston), Makpal Orazbek (Qozog'iston), Aleksey Pilev (Rossiya), Nurboy Jabborov (O'zbekiston), Shafiqqa Yorqin (Afg'oniston), Amir Ne'mati Lima'i (Eron), Nafas Shodmonov (O'zbekiston), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (O'zbekiston), Gulnoz Xalliyeva (O'zbekiston), Dilnavoz Yusupova (O'zbekiston).

Sharq-islom madaniyatining ikki buyuk vakili – Alisher Navoiy va Jaloliddin Rumiy ijodi badiiyati, tarixiy-tipologik xossalariini ilmiy-nazariy tadqiq etishga qaratilgan "Sharq mumtoz poetikasi muammolari: Navoiy va Rumiy" mavzuidagi mazkur konferensiya materiallari ulkan geografik ko'lami, tipologik talqinlari, tahvililik xulosalarini bilan o'ziga xosdir. To'plam to'rt bo'limdan tashkil topgan. Har bir bo'lim o'zicha mustaqil ilmiy muammoni aks ettirishi bilan birga, Navoiy va Rumiy poetikasi sathida o'zaro umumlashadi, jahon adabiyoti, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarixiy hamda nazariy poetika, hozirgi adabiy jarayon muammolarini aks ettirishi bilan ma'naviy-ma'rifiy, badiiy-estetik ahamiyat kash etadi.

Ilmiy to'plam adabiyot nazariyasi, adabiy tanqid, adabiyot tarixi, qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjima nazariyasi, tarjimashunoslik bilan shug'ullanayotgan doktorant, tayanch doktorantlar; magistrant va bakalavriyat bosqichi talabalari, shuningdek, badiiy adabiyot masalalari bilan qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

To'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2025-yil 3-apreldagi yig'ilishi qaroriga asosan nashrha tavsiya etilgan.

**Mualliflar qarashlari tahririyat nuqtayi nazaridan
farqlanishi mumkin.**

UDC 845.711.05

KBK 133.585.3

Proceedings of the International Scientific-Theoretical Conference on the topic “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” – Tashkent: Nurafshon Business, 2025. – 1016 pages.

ISBN 978-9910-8871-6-1

*Editor-in-Chief:
Shuhrat Sirojiddinov,
Doctor of Philological Sciences, Academician*

Editorial Board:

Shuhrat Sirojiddinov (Uzbekistan), Münevver Tekcan (Turkiye), Uzoq Jo'raqulov (Uzbekistan), Agnieszka Wojta (Germany), Nozliya Normurodova (Uzbekistan), Rukhsana Iftikhar (Pakistan), Almaz Ulviy (Azerbaijan), Suvon Meli (Uzbekistan), Sergey Nikonorov (Russia), Akibatkhon Ismanova (Kyrgyzstan), Makpal Orazbek (Kazakhstan), Aleksey Pilev (Russia), Nurboy Jabborov (Uzbekistan), Shafiqa Yorqin (Afghanistan), Amir Ne'mati Lima'i (Iran), Nafas Shodmonov (Uzbekistan), Rakymjan Turysbek (Kazakhstan), Dilmurod Quronov (Uzbekistan), Gulnoz Khaliliyeva (Uzbekistan), Dilnavoz Yusupova (Uzbekistan).

The present conference proceedings, titled “Issues in Oriental Classical Poetics: Navoi and Rumi” focus on the scholarly and theoretical exploration of the artistic, historical, and typological dimensions of the works of two eminent figures of Eastern-Islamic culture – Alisher Navoi and Jalaluddin Rumi. With its broad geographical scope, comparative perspectives, and analytical insights, the collection offers a unique contribution to the field. The volume is organized into four sections. Each section explores a distinct scholarly issue while also highlighting the shared poetic features and mutual influences in the works of Navoi and Rumi. The discussions extend to themes in world literature, comparative literary studies, historical and theoretical poetics, and contemporary literary discourse, contributing to both intellectual and aesthetic understanding.

This collection is intended for doctoral and postgraduate researchers, as well as master's and undergraduate students in fields such as world literature, literary theory, literary criticism, comparative literature, translation theory, and translation studies. It may also be of interest to anyone engaged in the study of artistic literature.

The publication was recommended by the Scientific and Technical Council of Alisher Navoiy Tashkent State University of Uzbek Language and Literature on April 3, 2025.

The views expressed in the articles do not necessarily reflect those of the editorial board.

MUNDARIJA

- | | | |
|----|---|----|
| 1. | <i>Shuhrat SIROJIDDINOV.
IKKI BUYUK – IKKI TURK (Kirishso'z ornida)</i> | 15 |
|----|---|----|

I SHO'BA NAVOIY VA RUMIY: BADIYAT VA TIPOLOGIYA

- | | | |
|-----|---|-----|
| 2. | <i>Узоқ ЖҮРАҚУЛОВ.
МУМТОЗ ПОЭТИКАДА “ИДЕАЛ ОБРАЗ” МУАММОСИ</i> | 20 |
| 3. | <i>Қозоқбой ЙЎЛДОШ.
“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДА РУҲИЯТ ТАСВИРИ</i> | 48 |
| 4. | <i>Сувон МЕЛИ.
“ХАМСА”ДА МУАЛЛИФ “МЕН”И</i> | 57 |
| 5. | <i>Gulnar Agig JAFARZADE.
THE INFLUENCE OF RUMI ON ALISHER NAVAI'S PERSIAN RUBAIYAT</i> | 68 |
| 6. | <i>Münevver TEKCAN.
ALI SHIR NAVA'I'S IMPACT ON THE TIMURID RENAISSANCE</i> | 79 |
| 7. | <i>Сергей НИКАНОРОВ.
К ВОПРОСУ О ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ЗНАЧИМОСТИ ЭПИТЕТОВ В СБОРНИКЕ “СОКОРОВИЩНИЦА МЫСЛЕЙ” АЛИШЕРА НАВОИ</i> | 90 |
| 8. | <i>Maқсуд АСАДОВ.
НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ИЖОД ВА ИЖОД АҲЛИ ТАЛҚИНИ</i> | 99 |
| 9. | <i>Шоира АҲМЕДОВА.
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ МАКТУБЛАРИ ҲАҚИДА</i> | 107 |
| 10. | <i>Гулноз ХАЛЛИЕВА, А. ЮСУПОВА.
ЕВРОПАДА РУМИЙШУНОСЛИК ВА СУЛТОН ВАЛАДНИНГ БҮЮК БРИТАНИЯДА САҚЛНААЁТГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА</i> | 116 |

	<i>Оразбек МАҚПАЛ, Айнур АНАПИНА.</i>	
11.	ӘДЕБІЕТТЕГІ ИНТЕРМӘТІНДІЛІК: АБАЙ ШЫҒАРМАЛАРЫНЫң ӘЛИШЕР НАУАЙМЕН САБАҚТАСТЫҒЫ	121
	<i>Сайфиддин РАФИДДИНОВ.</i>	
12.	НАВОЙ ВА РУМИЙ ИЖОДИННИҢ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ МАММОЛАРИ	128
	<i>Dilnavoz YUSUPOVA.</i>	
13.	MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY ASARLARIDA SAMARQAND TALQINI	137
	<i>Илхом ФАНИЕВ.</i>	
14.	ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК	146
	<i>Islamjon YAKUBOV.</i>	
15.	JALOLIDDIN RUMIY MEROSSI VA ZAMONAVIY O'ZBEK ROMANCHILIGI	153
	<i>Gulbahor ASHUROVA.</i>	
16.	TARIXIY SHAXS TASVIRI: NAVOIY OBRAZI	162
	<i>Qahramon TO'XSANOV, Muhammadamin JURAQULOV.</i>	
17.	RUMIY VA NAVOIY IJODIDA ILM-MA'RIFAT TALQINI	170
	<i>Mahmadiyor ASADOV.</i>	
18.	HOMO POETIKUS KONSEPSIYASI: NAVOIY VA RUMIY	
	<i>Sobit AVEZOV.</i>	
19.	BOQIYLIKKA DAXLDOR BITIKLAR	174
	<i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ.</i>	
20.	АЛИШЕР НАВОЙИННИҢ ТУРКИЯЛИК ШОГИРДИ	182
	<i>Насиба БОЗОРОВА.</i>	
		187
21.	ХАЗРАТИ МАВЛОНОНОНИНГ "МАЖКОЛИСИ САБЪА" ("ЕТТИ МАЖЛИС") АСАРИДА НАЎТ	191
	<i>Yulduz ZIYAYEVA.</i>	
22.	"OSHIQ-MA'SHUQA-RAQIB" OBRAZI GENEZISI	198
	<i>Olmos XURRAMOV.</i>	
23.	ALISHER NAVOIYNING "HOLOTI PAHLAVON MUHAMMAD"DA TARIXIY HAQIQAT IFODASI	205
	<i>Hasamuddin HAMDARD.</i>	
24.	AMIR ALISHER NAVOIYNING HEROT MAKTABINING TUSHUNCHALARINI TEMURIYLAR SIYOSATIGA OTKAZISHDAGI ROLI	210

25.	<i>Leyla HƏSƏNOVA.</i> AZƏRBAYCAN ƏDƏBİYYATINDA ROMANTİZM	220
26.	<i>Marifat RAJABOVA, Madina IBOTOVA.</i> RUMIY VƏ NAVOIY LIRİKASIDA KO'NGİL METAFORASI	226
27.	<i>Sherxon QORAYEV.</i> MAVLAVIY "GIRDİ DARVESHLAR" NING RAQSU SAMO' MAJLISLARI	231

**II SHO'BA
SHARQ ADABIYOTIDA POETIKA
MUAMMOLARI**

28.	<i>Улугбек ҲАМДАМ.</i> ГЛОБАЛ ДҮНӘДАГИ ЙҮЛЧИ ЮЛДУЗЛАР	244
29.	<i>Zafer TOPAK.</i> ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN TÜRKÇE DİVANLARINDAKİ ŞİİRLE İLGİLİ BENZETMELER VE BUNLARIN ŞAIRİN POETİKASINA KATKILARI	254
30.	<i>Gulnoz XALLIYEVA, Adiba MA'DIYEVA.</i> ZAMONAVIY O'ZBEK VA NEMIS SHE'RIYATIDA BAHOR OBRAZINING BADIY TALQINI	266
31.	<i>Dilrabo QUVVATOVA.</i> MUMTOZ POETIKADA MASNAVIYGA OID QARASHLAR TALQINI	275
32.	<i>Вусала НАСИБОВА.</i> КОМПЛЕКС НОВРУЗОВСКИХ ОБРЯДОВ В АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ	279
33.	<i>Диляра ХАЛИЛОВА.</i> К ВОПРОСУ О МЕЖКУЛЬТУРНОМ ПОТЕНЦIAЛЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТОВ НАВОИ И ПУШКИНА В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА	285
34.	<i>Orazbek MAQPAL, Әнуар ЗЕРДЕ.</i> НҮРЛАН МӘҮКЕНҰЛЫ ШЫҒАРМАШЫЛЫҒЫ ЖӘНЕ АБАЙ ДӘСТУРИ	289
35.	<i>Olim OLТИНБЕК.</i> RAUF PARFI SHE'RLARINING VAZN XUSUSIYTLARI	297
36.	<i>Farhad RAHİMİ.</i> FERAĞÎ'NİN MİFTAHU'L-LÜGAT SÖZLÜĞÜNÜN DÜZENİ VE EL YAZMASI ÜZERİNE	312

37.	<i>Orzigel HAMROYEVA.</i> QOFIYAGA OID BIRLIKLARNING QIYOSIY TAHLILI	325
38.	<i>Ainisa AKMATOVA, Makhlie NAZAROVA</i> THE SPECIFIC PECULIARITIES OF THE IMAGE "WOMAN" IN THE EPIC MANAS AND IN ALISHER NOVOIY'S WORKS	333
39.	<i>Tojxi HOPOV.</i> АЛИШЕР НАВОЙЙ БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИДА КОСМОС, МАКОН ВА ЗАМОН ТАЛҚИНІ	341
40.	<i>Rustam SHARIPOV.</i> МАHMUDUXO'JA BEHBUDIY VA ABDURAUF FITRATNING MILLIY DAVLATCHILIK HAQIDAGI QARASHLARI	353
41.	<i>Feruza BURXANOVA.</i> BADIY SO'Z JILOSI	370
42.	<i>Ольга ЧИЖИКОВА, Ирина ЯНОВСКАЯ.</i> ЧЕРТЫ КОСМИЗМА В СТИХОТВОРЕНИИ НИКОЛАЯ КЛЮЕВА "БЕЛАЯ ИНДИЯ" И В НЕКОТОРЫХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ВОСТОЧНЫХ АВТОРОВ	377
43.	<i>Komiljon HAMROEV.</i> SHARQ NIKOYATLARINING TIPOLOGIK XUSUSIYATLARI	386
44.	<i>Нилуфар УМАРОВА.</i> УЛЖАС СУЛАЙМОНОВ ШЕРЬИЯТИ	393
45.	<i>Zebiniso BEKMURADOVA.</i> PAREMIYADA XIAZM	399
46.	<i>Азамат ХАЙРУЛЛАЕВ.</i> НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ ҲИКОЯЛАРИДА ОНОМАСТИКА	404
47.	<i>Салават АЮПОВ.</i> ОТЗВУКИ РУССКОЙ КЛАССИКИ В ЧЕХОВСКОМ ЭТЮДЕ "БЕЗНАДЕЖНЫЙ"	422
48.	<i>پوھنیار امرالله محمدی</i> بررسی زبان شناسانه استعارة مفهومی عشق در اشعار فارسی نوابی <i>Tozagul MATYOQUBOVA.</i>	429
49.	<i>G'AFUR G'ULOM SHE'RİYATIDA LIRIK QAHRAMON VA KECHINMANING POETIK İFODASI</i>	437
50.	<i>Ирина ЯНОВСКАЯ, Ольга ЧИЖИКОВА.</i> СКУЛЬПТУРНЫЕ ОБРАЗЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ А.С.ПУШКИНА	445

	<i>Шоҳрат Нусрат МАМЕДОВА.</i>	
51.	ЭТНОКУЛЬТУРНАЯ СЕМАНТИКА ДЕТСКИХ ДРАМ МИРВАРИД ДИЛЬБАЗИ	453
52.	<i>Umida ABDULLAYEVA. "SHAYX SAN'ON" QISSASIDA USTOZ-SHOGIRD MASALASI</i>	466
	<i>Yorqinoy NASIRDINOVA.</i>	
53.	ALISHER NAVOIY OBRAZI FRANSUZ ADABIY VA TARIXIY TAFAKKURIDA	470
54.	<i>Sayid Nurulloh AMINYOR. ALISHER NAVOIY MA'RIFATNING PORLOQ QUYOSHI</i>	478
55.	<i>Qatabek BABAYEV, Munisa BOLTAYEVA. ÜBERSETZUNGSMETHODE VON TECHNISCHEN TEXTEN</i>	491
	<i>Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ.</i>	
56.	"ТАНАЗЗУЛ" РОМАНИДА МУСУЛМОНҚУЛ МИНГБОШИ ОБРАЗИ	496
57.	<i>Matluba MAMADIYAROVA. "ALPOMISH" VA "BEOVULF" EPOSALARIDA AYOL FENOMENI</i>	503
58.	<i>Mahbuba QARSHIYEVA. ALISHER NAVOIY: MATNSHUNOSLIK VA MANBASHUNOSLIK</i>	508
	<i>Feruza SAPAYEVA.</i>	
59.	MAXTUMQULI ASARLARINING TURKIY TILLARDAGI TARJIMALARI VA ULARNING TADQIQI	514
60.	<i>Bahor SHUKUROVA. BADIY ADABIYOTDA RAMZIY OBRAZLAR TALQINI</i>	522
	<i>Nodira SAIDOVA.</i>	
61.	"NAVOIY VA ILOHIYOT"DA "GERMENEVTIK DOIRA" DAN FOYDALANISH	530
	<i>Sevinchoy YOQUBOVA.</i>	
62.	XX ASR BOSHLARI O'ZBEK SHE'RIYATINING YANGILANISH OMILLARI	534
	<i>Нибуфар ДИЛМУРОДОВА.</i>	
63.	АСАД ДИЛМУРОД ЭССЕЛАРИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ, УЛАРДА МУАЛЛИФ ИФОДА УСЛУБИ ВА БАДИЙ- ЭСТЕТИК КОНЦЕПЦИЯСИ	541
	<i>Nodira XUDOYNAZAROVA.</i>	
64.	JALOLIDDIN RUMIY VA ALISHER NAVOIY JAHON ADABIYOTI KONTEKSTIDA	547

	<i>Maftuna NORQULOVA.</i>	
65.	"HALI HAYOT BOR..." QISSASIDA QAHRAMON KONSEPSIYASI	552
66.	<i>Dilnavoz BOYZOQOVA.</i> "YUSUF VA ZULAYHO" QISSASIDA OBRAZ TALQINI	560
67.	<i>Махфузахон ХОМИДОВА.</i> "БАДОЙИЙ УЛ-БИДОЯ"ДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК	568

**III SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY IJODIDA MA'RIFAT VA
MILLIYAT MASALALARI**

	<i>Nafas SHODMONOV.</i>	
68.	"LAYLI VA MAJNUN" DOSTONI SYUJETI VA G'OYASINI SHAKLLANTIRGAN BA'ZI OMILLAR	578
69.	<i>DR. KEMAL YAVUZ ATAMAN.</i> OSMANLI DEVLETİ'NİN MANEVİ VE HAKİKİ MÜESSİSİ MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN-İ RÛMÎ	584
70.	<i>G'ayrat MURODOV, Shahlo SA'DULLAYEVA.</i> MURSHID VA MURID MUNOSABATI	592
71.	<i>Нұсратулло ЖУМАХҰЖА.</i> ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ "МАСНАВИЙ МА'ННАВИЙ" АСАРИНИНГ КИРИШ ҚИСМИ МАЗМУНИГА ЧИЗГИЛАР	602
72.	نویسنده: پروفیسور دکتر فضل الرحمن فقیهی هروی نقش امیر علیشیر نوابی در تمثیل‌آفرینی دوره تیموریان هرات	607
73.	<i>Darmonoy O'RAYEVA.</i> RUMIY VA HOZIRGI O'ZBEK SHOIRLARI IJODIDA DUNYO TA'RIFI	619
74.	<i>Ulkar BAKHSHIYEVA.</i> THE ARTISTIC-AETHETIC FEATURES OF THE MYTHOLOGICAL APPROACH IN NIZAMI GANJAVI'S POEM "ISKANDARNAMA" (IN THE CONTEXT OF LEGENDS RELATED TO KHIDR)	624
75.	بشير احمد قرداش صالح	634
76.	<i>Odiljon AVAZNAZAROV.</i> NAVOIY DOSTONLARIDA "QADAM" METAFORASI	642

	<i>Toji NOROV.</i>	
77.	ALISHER NAVOIY FALSAFIY MEROSINING ILOHIY-MA'RIFIY VA MAFKURAVIY ASOSLARI	649
78.	<i>Saodat MUMINOVA. AQL VA IDROK O'RTASIDAGI MUVOZANAT</i>	662
	<i>Мустафа БАЙЭШАНОВ.</i>	
79.	"ПЯТЕРИЦА" НАВОИ В СОКРОВИЩНИЦЕ МИРОВОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	667
80.	<i>زینب نوروز علی ؛ شاد محمد سهاب جایگاه عقل در اشعار امیر نظام الدین علیشیر نوابی</i>	671
	<i>Usmon QOBILOV.</i>	
81.	ON THE INTERPRETATION OF THE TRUE OF HUMANITY AND THE UNIVERSE IN ARTISTIC CREATIVITY	678
82.	<i>دکتر نورالرخمن ناصح انسان كامل و انسان شناسى از نظر على شير نوابى و مولانا با روپىكىد تېلىقى</i>	687
83.	<i>Адхамбек АЛИМБЕКОВ. АЛИШЕР НАВОЙ ҲАҚИДА ТУРК ДОСТОНИ</i>	693
	<i>Hamza ATEŞ, Kemal ATAMAN.</i>	
84.	MAVLONO JALOLIDDIN RUMIY ASARLARIDA İJTIMOIY O'ZGARISHLAR	700
85.	<i>Мавжуда НУРИДДИНОВА, “БОР ҚИТОБИ, ЛЕК ПАЙГАМБАР ЭМАС...”</i>	710
86.	<i>Shohista NIYOZOVA. MILLIY QADRIYATNING TAMAL TOSHI</i>	720
87.	<i>Duygu KOCA. ALI ŞİR NEVÂYÎ'NİN ESERLERİNDEN AHLAKÎ DEĞERLER</i>	727
88.	<i>Iroda ISHONXANOVA. XX ASR 40-YILLARIDA NAVOIYSHUNOSLIK</i>	
89.	<i>Ойдин ТУРДИЕВА, Ойша ШУКУРОВА. РУМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ТИНЧЛИК ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ</i>	734
90.	<i>Nargiza SHOALIYEVA. RUMIY VA NAVOINING ISHQQA OID QARASHLARI</i>	741
		747

**IV SHO'BA
NAVOIY VA RUMIY
YOSH TADQIQOTCHILAR TALQINIDA**

91.	<i>Malika SUYUNOVA.</i> HAMZA VA XALQ TEATRI	766
92.	<i>Laylo TO'YCHIYEVA.</i> "ULISS" ROMANIDA TRAGIK VAZIYAT XRONOTOPI	772
93.	<i>Nilufar HAITOVA.</i> HAMID OLIMJON – NAVOIYSHUNOS	
94.	<i>Shaxnoza TURSUNOVA.</i> SIZIF OBRAZI: TURFA TALQINLAR	777
95.	<i>Madina VAHODOVA.</i> "NAVOIY KIRMAGAN UYLAR QORONG'U"	781
96.	<i>Sayohat ARZIQULOVA.</i> FATMA SHENGIL SUZAR IJODIDA RUMIY AN'ANALARI	786
97.	<i>Osiyo SIDDIQOVA.</i> KOMIZM XÜSUSIDA BIR-IKKI SO'Z	794
98.	<i>To'lg'anoy QULJANOVA.</i> ASQAR MAHKAM IJODIDA RUMIYONA OHANGLAR	
	<i>Sabinabonu BERDIYEVA.</i>	802
99.	"ADABIYOTSHUNOSLIK LUG'ATI" NING ELEKTRON MOBIL ILOVASINI YARATISH XUSUSIDA	810 815
100.	<i>Huriniso MENGLIYEVA.</i> DUNYONING AZALIY SAVDOSI	819
101.	<i>Баходир ЖОВЛИЕВ.</i> УНИВЕРСАЛ ОБРАЗЛАР КҮЛАМИ	825
102.	<i>Zilola JO'RAYEVA.</i> NAVOIY VA RUMIY ASARLARIDA TASAVVUF TIMSOLLARI	
103.	<i>Divora O'KTAMOVA.</i> ALISHER NAVOIY FARDLARINING O'RGANILISHI	829
	<i>Hediye Zeynep KÖŞEK.</i>	834
104.	ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ CELÂLEDDİN RUMÎ'NİN ESERLERİNDE TAKVÂ	839
	<i>Selenay SAHİN.</i>	
105.	ALI ŞİR NEVÂİ VE MEVLÂNÂ'NIN SANATSAL VE DÜŞÜNSEL YAKLAŞIMLARININ MİMARİ ESERLER ÜZERİNDEKİ ETKİSİ: SOSYO-KÜLTÜREL BİR DEĞERLENDİRME	849

	<i>Nodirjon G'AFUROV, Shahnoza YO'L DOSHEVA.</i>	
106.	NAVOIY "XAMSA"SI VA RUMIY "NAYNOMA"SIDA "NAY" TIMSOLI	856
107.	<i>Noila ROXATALIYEVA.</i> "DEVONA" VA "JUNUN" TUSHUNCHALARI TALQINI	861
	<i>Sema DÜLGAR.</i>	
108.	ŞAİR FÂTIMA HANIM VE KÜTAHYA MEVLEVÎHÂNESİNE ETKİLERİ	866
	<i>İrem ERDEM.</i>	
109.	ALÌ ŞIR NEVAÎ'NİN MUHAKEMETÜ'L-LUĞATEYN ADLI ESERİNDE EŞANLamlılık	872
	<i>Dilfuza ISMOILOVA.</i>	
110.	"BIR AYOL HAYOTIDAN 24 SOAT" NOVELLASINING KOMPOZITSION TAHLLİLİ	881
111.	<i>Beyza ÖZER.</i> MËKANDAN LÂMEKÂNA: ALÌ ŞIR NEVAÎ VE MEVLÂNÂ	888
	<i>Ahmet Berat COŞKUN.</i>	
112.	MUHÂKEMETÜ'L-LUGATEYN'DE GEÇEN İŞ/HAREKET BİLDİREN FIILLER VE BU FIILLERİN KUZEYBATI/KIPÇAK TÜRK LEHÇELERİNDEKİ GÖRÜNÜMLERİ	897
113.	<i>Aziz NORQULOV.</i> "NASOYIM" PINJIDAGI UMR	910
114.	<i>Saodat FAYZIYEVA.</i> JADID MATBUOTIDA NAVOIY IJODI TADQIQI	916
115.	<i>Jobir ISMATILLOYEV.</i> MUNIS IJODIDA NAVOIY AN'ANALARI	
116.	<i>Dovud XO'JAQULOV.</i> NAVOIY VA RUMIY IJODIDA SABR TUSHUNCHASI	924
117.	<i>Nazokat G'OFUROVA.</i> BILGAMISH - BUYUK SHARQNING QADIM DURDONASI	930
	<i>Nargiza SHAMIYEVA, Jazira TULEGENOVA,</i>	
	<i>Nargiza XOLBOBOYEVA.</i>	934
118.	COMPARATIVE STUDY OF MEANING EXPANSION AND NARROWING OF QUALITATIVE ADJECTIVES IN ENGLISH AND UZBEK	938
119.	<i>Go'zal OMONOVA.</i> JALOLIDDIN RUMIY HIKOYALARIDA XULQ-ATVOR MASALASI	944
120.	<i>Madina TURSUNOVA.</i> MARLO VA SHEKSPIR: IJODIY PARALLELLAR VA FARQLAR	949

	<i>Shodiya TURSUNALIYEVA.</i>	
121.	"ABU RAYHON BERUNIY" DRAMASIDA FOJIAVIY VAZIYATLAR TALQINI	952
	<i>Gulzoda SAFAROVA.</i>	
122.	ERKIN A'ZAMNING "ANOYINING JAYDARI OLMASI"	957
	HIKOYASIDA IDILLIYAVIYLIK	
	<i>Nozima KARIMOVA.</i>	
123.	YOVUZ BAHODIR O'G'LINING "YONAYOTGAN BUXORO"	964
	ROMANIDA TARIXIY HAQIQAT	
	<i>Suhrobjon ZIYODOV.</i>	
124.	YOSHLAR SHE'RIYATIDA NAVOIYGA MUROJAAT	970
	<i>Sherzod USMONOV.</i>	
125.	ZEBO MIRZO SHE'RIYATIDA METAFORIK OBRAZLAR	977
	<i>Narmin BABAева.</i>	
126.	ЭТИОЛОГИЧЕСКАЯ СЕМАНТИКА МИФОЛОГИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ	983
	<i>Yüsra KARACA.</i>	
127.	HZ. MEVLANA'NIN YOLU VE HAT SANATI	993
	<i>Lobar BERDIYEVA.</i>	
128.	SHAVKAT RAHMON SHE'RIYATIDA RAMZIYLIK	999
	<i>Gulsevar MAMANOVA.</i>	
129.	"YUSUF VA ZULAYHO": GENEZIS MASALASI	
	<i>Shahzoda VALIJONOVA.</i>	1006
130.	NAVOIY E'TIROF ETGAN XAMSANAVIS	
	<i>Dilrabo HAYDAROVA.</i>	
131.	O'ZBEK-TURK HIKOYALARIDA KOMIKLIK	1014
	<i>Saida DAVRONOVA.</i>	
		1018
132.	ALISHER NAVOIY FAOLIYATINING O'ZBEKİSTON KİNOFOTOFONO MILLİY ARXIVİ HUJJATLARIDA YORİTİLİŞİ	1022
	<i>Mirjalol SODIQOV.</i>	
133.	"BUYUKLAR TUHFASI" - MUMTOZ ADABIYOT TARIXIGA DOİR TADQIQOT	1029
	<i>Muhabayo İSTAMOVA.</i>	
134.	AYOL OBRAZI JOZIBASI	1036
	<i>Iroda ESHMURADOVA.</i>	
135.	YANGI DARSLIKLAR HAQIDA	1041

136.	<i>Ruxsora UNAROVA</i> AHMAD A'ZAM HIKOYALARIDA "JUMBOQ" TASVIRI	1048
137.	<i>Maftuna USMONOVA</i> NAVOIYDA "SHOH" VA "GADO" TUSHUNCHALARI TALQINI	1052
138.	<i>Nigora TOSHMURODOVA</i> FURQAT VA MA'RIFATPARVARLIK G'OYASI SHARIF YUSUPOV TALQINIDA	1057
139.	<i>Muxlisa ASHIRMATOVA</i> NAVOIY VA RUMIY: MUSHTARAK DIDAKTIKA	1068
140.	<i>Dilnavoz NAJIMOVA</i> MUMTOZ TURKIY ADABIYOTNI BOLALAR ONGIGA YETKAZISH AMALIYOTIGA DOIR	1074
141.	<i>Parvina NARZULLOYEVA</i> XAMSA DOSTONLARIDA UCHRASHUV MOTIVINING O'RNI	1083
142.	<i>Roza QURBONOVA</i> NAVOIY VA RUMIY ADABIY MEROSINING BOSHQA TILLARGA TARJIMASI VA CHET ELLARDA O'RGANILISHI	1090
143.	<i>Nigina FAYZULLAYEVA</i> A.S.PUSHKIN VA F.M.DOSTOYEVSKIY ROMANLARIDA EPISTOLYAR JANRNING BADIY-ESTETIK FUNKSIYASI	1097
144.	<i>Ayşe ÖZTOKLU, Sümeyye ÇAĞLAR YILMAZ</i> MEVLÂNÂ CELÂLEDDÎN RÛMÎ'NİN MESNEVİ'SİNDE Hz. MUSA KISSASINDAN KESİTLER	1104

Мавжуда Нуридинова,
“*Matbaachi*” нашиёти мұхаррири
(Ўзбекистон)
Doi. 10.52773/tsuull.conf.2025/SLUL3017

“БОР КИТОБИ, ЛЕК ПАЙҒАМБАР ЭМАС...”

Аннотация. Мақолада Абдураҳмон Жомийнинг Мавлоно Жалолиддин Румийни васф этиб, “Ман чу гўям васфи он олий жаноб. Нест пайғамбар, vale дорад китоб” (“Мен не дей, олийжаноб васфида, бас, Бор китоби, лек пайғамбар эмас”) байти тарихий-бадиий, адабий-маърифий манбалар асосида шарҳланган. “Маснавий маънавий”-нинг ривоят, ҳикоят рамз ва ташбеҳ усулида Қуръони карим маъноларини кашф этувчи китоб экани асосланган. Шунингдек, Ҳақ маърифатини тарғиб этган, ўз сўзи билан кўнгилларга эзгулик ва яхшилик уруғларини қадаган ижод аҳлиниңг мартаба-даражалари юксаклиги хусусида сўз юритилган.

Калим сўзлар: китоб, тафсир, шарҳ, ҳикоят, ривоят, сўз, зоҳирий маъно, ботиний маъно, тазкира.

Abstract: The article provides an interpretation of the verse of Abdurrahman Jami, “I would not say anything laudatory about this noble man, he is not a Prophet, but he has a Book,” based on historical and artistic sources. It is claimed that “Masnawiyy Manaviyy” is a book that reveals the meaning of the Holy Quran through narration, history, symbolism, and allegory. It also discusses the high status of creative people who preached the enlightenment of the Truth and sowed the seeds of goodness and mercy in hearts with their words.

Keywords: book, interpretation, commentary, story, narration, word, external meaning, internal meaning, tazkira.

Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг бир қатор масалалари ни ўз билим ва тафаккурига кўра талқин этган XV асрнинг йирик арбобларидан бири, Алишер Навоийнинг устози ва пири Абдураҳмон Жомий Мавлоно Жалолиддин Румий ҳақида нега айнан юқоридаги таърифни берган? “Қалам ва у билан сатрларга ёзиладиган нарсаларни”¹ вужудга келтирган Зотдан кўмак сўраганча, айнан шу ҳақда мулоҳаза юритишга чоғландик.

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс мин ҳазоротил-кудс” (“Муқаддас зотлардан эсган дўстлик шабадала-ри”) асари Алишер Навоий илтимоси билан ёзилган бўлиб,

1 Қуръони карим Қалам сурасининг 1-оятига ишора.

унда 618 та машхур тасаввуф шайхларининг таржимаи ҳоллари келтирилган.¹

“Ман чу гўям васфи он олий жаноб.

Нест пайғамбар, vale дорад китоб”.

Маъноси:

“Мен ул олийжаноб зот васфида нима ҳам дердим,

Пайғамбар эмасу, аммо Китоби бор” [3.3].

Абдураҳмон Жомий Жалолиддин Румийни таърифлашда нима учун айнан “Пайғамбар” ва “Китоб” сўзларини қўллади?

Араб тилидаги “нубувват” ва “рисолат” сўзларининг ўрнида араб бўлмаган тилларда, хусусан, бизнинг ўлкада ҳам “пайғамбарлик” сўзи қўлланилди. “Набий” ҳам, “расул” ҳам пайғамбар дейилаверади. Аслида эса, бу икки маъно ўта бир-бирига яқин бўлса-да, уларнинг ўзига хос ва дақиқ маънолари бор:

1. “Нубувват” луғатда “наба” – “муҳим хабар бериш” ва “нубу” – “юқорилаш” деган маъноларни билдиради. Нубувват – Аллоҳ таолодан бўлган хабарнинг ваҳий йўли билан Ўзи бандалари ичидан танлаб олган шахсга етишидир. Аллоҳ таоло томонидан муҳим хабар олган ва мартабаси юқори шахсга “набий” дейиласди.

2. “Рисолат” эса луғатда бир нарсани лутф билан юбориш бўлиб, арабларда бировга юборилган мактубга “рисола”, биров томонидан юборилган элчига “расул” дейилади. Исломда эса, Аллоҳ таоло юборган муайян диний маълумотлар тўплами “рисолат”, уни одамларга ўргатишга амр қилинган элчиси “расул” дейилади.²

Шундай экан, пайғамбарлик ўқиб-ўрганиб ёки касб қилиб топиладиган нарса эмас. У Аллоҳ томонидан бериладиган илоҳий неъматдир. Қуръони каримнинг Ҳаж сураси 75-ояти сўзимизни далиллайди: “Аллоҳ фаришталардан ва одамлардан расуллар танлаб олур...”

“Китоб” араб тилидаги “ёзиш” сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, “ёзилган” маъносини англатади. Истилоҳда эса китоб сўзи 3 хил маънода қўлланилди:

1 Хожа Юсуф Ҳамадоний. “Ҳаёт мезони”. – Тошкент: Мовароуннахр. 2018.

2 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: HIOL-NASHR. 2021. 264-б.

1. Бир тўп ёзилган варақларнинг муқова орасига олингани (энг машхур ва оммабоп атама).

2. Куръони каримнинг номларидан бири (“Аллоҳнинг Китобида”, “Китоб ва Суннатда” каби ибораларда Куръони карим назарда тутилади).

3. Ислом адабиётида бир неча фасл ва бобларни ўз ичига олган бир мавзу ҳақидаги маълумотлар тўплами (“Ҳаж китоби”, “Рўза китоби” каби). [10. 6]

Жомийнинг таърифида “Китоб” деганда айнан иккинчи маъно назарда тутилган. Мисрадаги “пайғамбар” сўзи бу фикрни очиқ-ойдин тасдиқлайди.

Мантиқан фикрлайдиган бўлсак, “Аллоҳнинг пайғамбари” ва “Аллоҳнинг китоби” сўзларини бир-бирига боғлаб турган ягона воқелик ваҳийдир.

“Ваҳий” сўзи асл луғатда тезкор ва маҳфий хабар йўллаш маъносини ифодалайди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Куръон илмлари” китобида келтирилишича, араб тилида бу сўз яна бир неча маъноларда қўлланилади:

1. Инсондаги табиий илҳом.
2. Ҳайвонлардаги ғаризий илҳом – инстинкт.
3. Рамз ва имо йўли билан тезкор ишора.
4. Шайтоннинг васвасаси ва ёмонликни чиройли кўрсатиши.
5. Аллоҳ таолонинг фаришталарга буйруғи.¹

Юқорида кўрсатилган манбада мазкур қисмларнинг барчаси Куръони карим оятлари асосида далилланган.

Демак, Илоҳ (Аллоҳ) → ваҳий → Пайғамбар (яъни, Расул) → Китоб. Бу сўзлар шу кетма-кетлиқдагина воқеликка юз тутади. Биз таҳлил қилаётган жумлада эса булардан бири инкор этилиб, бири тасдиқланмоқда. Яъни: “Пайғамбар эмасу, аммо Китоби бор”. “Илоҳ (Аллоҳ) → ваҳий → Пайғамбар (яъни, Расул) → Китоб”дан “Расул”ни олиб ташласак, “Илоҳ (Аллоҳ) → ваҳий → китоб” сўзлари қолади. Аммо ушбу нуктада “китоб” сўзи ўзига хос бўлган залворли хусусиятдан мосуво бўлади, чунки Китоб, яъни самовий китоблар фақатгина пайғамбар-

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръон илмлари: ваҳий. – Тошкент: HIOL-NASHR. 2024.

ларга нозил бўлиши илоҳий қонуният. Хўш, унда Абдураҳмон Жомий Жалолиддин Румий ва унинг “Маснавий”си ҳақида нима демоқчи? Жалолиддин Румий пайғамбар бўлмаса, қандай қилиб у зотнинг Китоби бўлсин?..

Бунга ойдинлик киритиш учун, “Маснавий маънавий”нинг илк сатрлари ингандо ингандо мурожаат этамиз.

Ривоятларнинг шоҳидлик беришича, Мавлононинг энг суюкли шогирди Хусомуддин Чалабий ирфон ва тасаввуф усулини ўзида мужассам этган бир манзума яратмоқни устозидан ўтинади. Хусомуддин Чалабий мазкур манзумани Саноййнинг “Илоҳийнома” ва Фаридуддин Атторнинг “Мантиқут тайр” асарлари усулида бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Комил муриднинг ушбу таклифини эшитган ҳазрат Мавлоно ўша заҳоти дастор қатларига санчиб қўйилган қаламини кўлга оладилар-да: “Эй Чалабий, сизнинг кўнглингизга келган ўй аллақачон менинг кўнглимдан кечган эди. Мана, қулоқ тутинг!..” дейдилар ва ҳануз зоҳирйи дунёга кўчмаган олти буюк жилднинг тўкис ва мукаммал мазмунини ўзига сингдирган машҳур ўн саккиз байтни ўқиб берадилар [2. 34]

Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳотул унс” китобида бу воқеа бироз фарқли равишда, Хусомуддин Чалабийнинг ўтиничига жавобан “Мавлоно ўша заҳоти дасторидан бир қофозни олиб, Чалабийга узатди. Унда “Маснавий” ибтидосидан ўн саккиз байт ёзилган эди”, [2. 35] дея ёритилган...

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дай-дишларини (яъни, ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирганларини тупроққа қоришиларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингми?! Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач), ғолиб бўлган кишилар (яъни, шоирлар йўлдан оздиргувчи эмаслар)...” (Шуаро сураси, 224-227-оятлар) дея марҳамат қиласиди.

Ушбу ояти каримада Ҳақ таоло юқоридаги оятларда зикр қилинган – одамларни йўлдан оздирувчи шоирлардан мутлақо фарқланадиган, ўзларининг айтадиган шеъру достонлари

билан Ҳақ таолони, Унинг элчисини ҳамда дину диёнатини ҳимоя қилиб, инсонларни ҳақ йўлга чақирадиган шоирлар ҳам борлигини айтиб, уларнинг сифатларини баён қилган. Бундай фазилатли шоирлар, албатта, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида ҳам бўлган. Ояти каримада Аллоҳ таоло ҳақиқий мўмин, солиҳ амаллар қилувчи ҳақпараст сўз усталари асло одамларни йўлдан оздиргувчи эмаслигини таъкидлаган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Албатта, айрим шеърларда ҳикмат бордир” (*Бухорий ривояти*), деб марҳамат қилганлар.

Юқоридаги оят нозил бўлгач, шоир саҳобалардан бири Каъб ибн Молик Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёnlарига келиб: “Аллоҳ таоло шоирлар ҳақида айтган бу сўзлардан кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади?” деганларида, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Мўмин киши ҳам тифи билан, ҳам тили (яъни, қалами) билан Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қиласди. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тифи ўткирроқдир”, дедилар.

“Расууллоҳнинг шоири” дея машҳур бўлган Ҳассон ибн Собит ҳақида Пайғамбаримиз: “Агар у иймон-эътиқод муҳофазасида бардавом бўлса, Ҳақ таоло унга Руҳул-қудс, яъни фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали ёрдам қиласди”, деган маънода ҳадис айтганлар.

Демак, покликни, эзгуликни, ҳақиқат ва адолатни куйладиган асл истеъдод соҳибларига Яратган Зотдан маънавий ёрдам етиб туриши шубҳасиз. Алишер Навоийнинг “Руҳул-қудс” номли шеърий асар ёзгани ҳам бежизга эмас.¹

Жалолиддин Румий тугал маънода ояти каримада сифатланган “доим Аллоҳни ёдда тутган” ва “йўлдан оздирувчи бўлмаган”, ҳадиси шарифда васфи келган “тили билан жиҳод қилган”, “Руҳул қудс билан қувватланган” башарият шоиридир. Бу ҳақда 12 ёшли Жалолиддин билан бирров кўришган Фариуддин Аттор ҳам башорат берган эди. Радий Фишнинг қайд этишича, 1221 йилнинг апрел ойида Балхдан Кўнё сари йўл олган карвон Нишопурга тўхтаб ўтади.

1 Мирзо Кенжабек. “Ёшларга дил сўзларим”. – Тошкент: Адабиёт учқунлари. 2023.

“У ўрнидан қўзғаларкан, дўстининг ортида ҳамон типпатик турган болаларга кўз солиб, ғор томон юрган ва у ердан бир китоб олиб чиққанди.

– Ҳадемай уларнинг қалбидан дунё қалби ўт олур, – деганидди у болаларга ишора этиб, – унинг учқунлари ҳақиқат ташналири юрагида алганга ёқур...

У китобни отаси (Баҳоуддин Валад)га узатаркан, ажабки, Фаридуддин Аттор тикка Жалолиддинга боққан эди...” [5.44].

Ана шу воқеадан кўп йиллар ўтгач, “Маснавий” ҳақида: “Кимдир таҳлика билан “паҳлавий тилида Куръон яратилди, деса, бир фарзона зот “Мавлоно ҳақиқатда пайғамбар бўлмаган, бироқ китоби бор”, дея бутун оламга ошкор қилди” [2.35].

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Абдураҳмон Жомийдан бошқалар ҳам “Маснавий” асарига юқоридаги каби таъриф берганлар. “Маснавий”ни “Форсча Куръон” дея аташган. Абдураҳмон Жомий эса “Нафоҳотун унс” номли тазкира китобида халқ оғзидағи машҳур васфни қайд этган, холос:

*Ул Фарийдундир маъно дунёсига,
“Маснавий” бурҳондир асли зотига.
Мен не дей, олийжаноб васфида, бас,
Бор китоби, лек пайғамбар эмас [2. 16].*

Хўш, “Маснавий”нинг қайси жиҳати халқнинг бундай тўхтамга келишига сабаб бўлди?

“Маснавий”гача ва “Маснавий”дан сўнг шарқ мумтоз адабиётида қанча-қанча маснавий каби асарлар ёзилган, қанча-қанча Мавлоно каби Аллоҳнинг валий зотлари “кўнгил дафтар”ларини мерос қилиб қолдириб кетганлар. Бироқ, нега айнан “Маснавий”га бу каби таъриф берилган?

Аслида осмон ва Ернинг орасида қанчалик фарқ бўлса, Куръони карим ва “Маснавий”нинг, нафақат “Маснавий”, балки ҳар қандай банда (маҳлук) томонидан иншо этилган бирор асарни Холиқнинг каломига қиёслаш муносиб эмас. Ахир тикувчи билан у тиккан кўйлакни, новвой билан у ёпган нонни, наққош билан у ясаган нақшинкор лаганни тарозининг икки палласига кўйиш мумкинми?.. Ахир, руҳи, ақли, фикру зеҳни, ихтиёри бор нонвой қандай қилиб, ўз қўли билан хамирини қорган, ясаган, сўнгра тандирга ёпиб пишириб олган нони билан.

лан баробар қийматлансин?.. Шу каби Яратганинг фазлу марҳамати, инояти ва изни билан бирор банда томонидан битилган асар Холиқнинг Каломи – мўъжизаи холидиййа (абадий мўъжиза) билан тенг бўлиши мумкинми?..

Савол ўзанини ўзгартирамиз: “Маснавий” қай жиҳати билан Қуръони каримни ёдга солади?

“Маснавий”даги Қуръони каримни эслатадиган ёрқин хусусият бу унинг ҳикматга бой ва қўймалигида. Яъни, сатрлардаги маънолар тифиз ҳамда инсон ақлини ожиз қолдирадиган даражада илҳом манбаидан шиддат билан отилиб чиққан. Яна бир жиҳат борки, бу “Маснавий”нинг услуби билан боғлиқ.

Маълумки, Қуръони каримда хронологик кетма-кетлик мавжуд эмас. Қолаверса, мавзулар ҳам ранго-ранг. “Маснавий”да ҳам мазкур услуг бўй кўрсатгандек. Асада турли мавзулар гоҳ ҳикоят, гоҳ ҳикмат, гоҳ ривоят, гоҳ зарбулмасал тарзида пайдар-пай ёритилган. Гўёки маъно-моҳият хоқонининг ҳузурида тизилган қўшин шоҳга астойдил бўйинсунмоқ қасдида ҳар қандай мақом ва лавозимдан чекингандек. Аммо буларнинг барчасини бир ипга тизган асос бир – Ҳақ васфи ва Унинг йўлида (Унинг ҳукми, буйруғи, қадарига таслимлик, қайтариқларидан қайтиш каби) событлик учун қураш!..

“Паҳлавий тилида Қуръон яратилди” деганларнинг миллиондан бирининг хаёлидан шу каби ўйлар кечгандир балки, аммо...

Бир даврада Бедилнинг ҳикмати қирқ киши томонидан қирқ хил талқин қилинибди. Аммо давра якунида Бедил ҳазратларининг шахсан ўзлари ташриф буюриб, қирқ биринчи, яъни энг тўғри ва муносиб талқинни айтган экан. Шу каби их-лосманд халқ “Маснавий”ни “Форсча Қуръон” дейишда давом этаверсин. Аммо бу ҳақда Жалолиддин Румийнинг ўзи нима дейди? Аслида у зотнинг (Абдураҳмон Жомий эътирофидаги) “китоби” нима?

“Маснавий маънавий”нинг дебочаси айнан қуйидаги сўзлар билан бошланади: “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Бу – “Маснавий” китоби; Аллоҳ таолога етишиш ва Үнга яқийнлик сирларини очишда унингусули дин усулларининг усулидир; у Аллоҳнинг буюк фиқҳидир, у Аллоҳнинг ёрқин шариатидир ва Аллоҳнинг

очиқ-ошкор хужжатидир; Унинг “нури худди бир токча устида-ги чироқ”¹ нури мисолидирким, субҳ нуридан ҳам мунавварроқ-дир; У жонларнинг дараҳтзорлари ва булоқлари сероб жанна-тидир, улар орасида бир булоқ борки, уни Тарийқат ўғлонлари Салсабил дейдилар, мақом эгалари ва каромат соҳиблари учун у “яхшироқ мартаба”², “энг яхши маскан ва энг гўзал истироҳат-гоҳ бўлур”³; “Ҳаёти-дунёдан Аллоҳ таолонинг амру фармонла-рига итоат қилиб ўтган” яхшилар унда еб-ичадилар”⁴, ҳурлар эса ундан завқ ва баҳра оладилар. У бамисоли Мисрдаги Нил да-рёсидир, сабр эгалари учун у шароб мисоли, Фиръавн қавми ва кофирлар учун эса ҳасрату ғам-ғуссадир. Ўзи айтганидек, Аллоҳ у билан “...кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қиласи”⁵. Бу юракларга малҳам бўлгувчи, ғам-ғуссаларни кет-

1 Куръонга ишора: “Аллоҳ осмонлар ва Ернинг нуридир (яъни, уларнинг барчасини ёритиб, кўзга кўрсатиб – йўқдан бор қилиб тургувчидир). У Зот нурининг (мўъмин банда қалбидағи) мисоли худди бир токча, унинг устида бир чироқ, бу чироқ бир шиша ичида, у шиша гўё бир дур юлдузга ўхшайди. У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган (балки заминнинг қоқ маркази-даги) муборак зайдутун дараҳтининг (мойидан) ёқилур. Унинг мойи (тиник мусаффолигидан) гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудек. (Олов теккач эса) нур устига нур (бўлур). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамлар (ибрат олишлари) учун (мана шундай) мисоллар келтирур. Аллоҳ барча нарсани билгувчидир” (Нур сураси, 35-оят).

2 Куръонга ишора: “Қачон уларга (инсонларга) очиқ-равshan бўлган оятла-римиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотлар-га: “Қайси гуруҳ яхшироқ мартаба ва гўзалроқ мажлисда?” дейдилар (яъни, бой-бадавлат мушриклар фақир ва мискин мўъминларнинг устидан кула-дилар)” (Марям сураси, 73-оят).

3 Куръонга ишора: “Жаннат эгалари эса у КУНда энг яхши маскан ва энг гў-зal истироҳатгоҳларда бўлурлар” (Фурқон сураси, 24-оят).

4 Куръонга ишора: “Албатта (ҳаёти-дунёдан Аллоҳ таолонинг амру фармон-ларига итоат қилиб ўтган) яхшилар (жаннатда) мизожи-аралашмаси ко-фувр – Аллоҳнинг (яхши) бандалари ичадиган (жаннатий) чашма – бўлган майкосалардан (май) ичурлар. Улар у (чашмани ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб-оқизиб олурлар” (Инсон сураси, 5-6-оятлар).

5 Куръонга ишора: “Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақир нарсалар ҳақида масал айтишдан ҳеч тортинмайди. Иймонли кишилар унинг (масалнинг) ҳақиқа-тан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: “Буни мисол қилиш билан Аллоҳ нима демоқчи?” дейдилар. Бу масал сабаб (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни Ҳақ йўлга ҳидоят қиласи” (Бақара сура-си, 26-оят”.

казгувчи, “улуғ, итоатли мирзолар (фаришталар) қўллари”¹ билан битилган, “таҳоратли пок кишилар”дан² бошқаларнинг ушлаши ҳаром этилган, “олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмайдиган”³, ризқ-рўзни мўл-кўл қилгувчи, ахлоқни поклагувчи ва яхшилагувчи – **Қуръони карим маъноларини қашф этгувчи китобдир**. Унга (Қуръонга – тарж.) Парвардигори Оламнинг Ўзи назар ташлаб туради, “Зотан, Аллоҳ энг яхши сақлагувчидир ва У Зот меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир”⁴. Бу китобга Аллоҳ таолонинг Ўзи берган лақаблар – сифатлар ҳам бор. Биз шу ози билан киғояланамиз, зеро, оз қўпга далолат қиласи. Томчидаги дебати. Бир ҳовуч дон катта хирмондан дарак беради” [1].

Гувоҳи бўлганингиздек, “Маснавий” муаллифининг эътирофига кўра, Румийнинг китоби – барчамизнинг китобимиз. Барча иймон соҳибларининг китоби. Туркий халқлардаги анъянага мувофиқ, қуйидаги содда ва равон савол-жавоб тили чиққан заҳоти болаларга ўргатишга ошиқилади:

- Раббинг ким?
- Аллоҳ.
- Дининг нима?
- Ислом.
- Пайғамбаринг ким?
- Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.
- Китобинг қайси?
- Қуръони карим...

1 Қуръонга ишора: “Улуғ, итоатли мирзолар (яъни, фаришталар) қўллари билан (Лавҳул Маҳфуздан кўчириб битилгандир)” (Абаса сураси, 15-16-оят).

2 Қуръонга ишора: “Уни фақат таҳоратли – пок кишиларгина ушларлар” (Воқеа сураси, 79-оят).

3 Қуръонга ишора: “Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни Қуръони каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир” (Фусиллат сураси, 42-оят).

4 Қуръонга ишора: “(Яъқуб) деди: “Мен уни сизларга ишонмайман. Магар илгари унинг биродарини ишонганимдек ишонаман (яъни, ўшанда ҳам менга берган ваъдаларнингизга хиёнат қилган эдингиз. Демак, мен сизларга унинг иинисини ҳам ишониб топширолмайман. Лекин мен ёлғиз Аллоҳнинг саклашига ишонаман холос). Зотан, Аллоҳ энг яхши сақлагувчидир ва У Зот меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир” (Юсуф сураси, 64-оят).

“Маснавий” – муаллифининг Китоби ҳақидаги китобдир. Томчига денгизнинг руҳи мавж ургандек, “Маснавий” Улуғ Сўзниң Ҳазрати Румий қалбидаги акс-садоси, маънолари кашфи, оятлар тафсири. Унинг нузулидан аввал ва кейин содир бўлган воқеликлар, ҳикмату ривоятларнинг барчаси ана шу Китобнинг моҳияти фиқҳ¹ида бир ипга тизилган маржондир. Ният пок ва холис бўлгани боис ана шу маржон шодаси мумтозлик погонасида қад кериб, асрларки қалбларни ихлосга, кўзларни ҳавасга чорлайди...

Адабиётлар

1. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Биринчи дафтар. Форсийдан Сулаймон Раҳмон таржимаси. Xurshid Davron kutubxonasi <https://kh-davron.uz>.
2. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий (Асқар Маҳкам таржимаси). – Тошкент: Шарқ, 1999.
3. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавий Маънавий (Жамол Камол таржима). – Тошкент: MERIYUS, 2010.
4. Мирзо Кенжабек. “Ёшларга дил сўзларим”. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2023.
5. Фиш Радий. Жалолиддин Румий. – Тошкент: Fafur Fулом АС, 1986.
6. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018.
7. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони карим маънолар таржимаси. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриётматбаа бирлашмаси, 2016.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръон илмлари: ваҳий. – Тошкент: HIOL-NASHR, 2024.
9. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Сунний ақийдалар. – Тошкент: HIOL-NASHR, 2021.
10. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт, иккинчи жуз. Ислом ва иймон китоби. – Тошкент: HIOL-NASHR, 2024.

¹ ”Фикҳ“ сўзи нозик жойларгача дақиқ фахмлашни англатади.